



«36» март 2013 йил

ҚАРОР

Каттақўрғон шаҳар Миёнкол кўчаси атрофида болалар уйингоҳи ва спорт майдончаси қуриш учун ер танлаш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиғига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда Республика аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, Каттақўрғон шаҳар Ғ.Ғулом кўчаси 40 уйда яшовчи Мустафақулов Игамбердини аризасини, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли «Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 июлдаги 44-Ф сонли «Ер участкаларини танлаш» ишчи комиссияси далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Ғ.Ғулом кўчаси 40 уйда яшовчи Мустафақулов Игамбердинга Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган Миёнкол кўчаси атрофидан лойиҳа асосида 700 кв.метр ер майдонида болалар уйингоҳи ва спорт майдончаси қуриш ва атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун танланди.
3. Каттақўрғон шаҳар Ғ.Ғулом кўчаси 40 уйда яшовчи Мустафақулов Игамбердинга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш бўйича ҳужжатларини расмийлаштириш юклатилади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Раҳмонов ҳамда шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

С.З.Разақов.